

4-26-2020

## UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI

Marifat Baqoevna Rajabova

*associate professor of uzbek literature, candidate of philological sciences, BSU*

Zufnunabegim Rizvonovna Akhrorova

*student BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the Arts and Humanities Commons

---

### Recommended Citation

Rajabova, Marifat Baqoevna and Akhrorova, Zufnunabegim Rizvonovna (2020) "UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 2 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss2/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**УВАЙС ҚАРАНИЙ АТТОР ВА НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА**  
**УВАЙС КАРАНИ В АТТОРЕ И НАВОИ**  
**UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN**  
**ATTAR AND ALISHER NAVOI**

*Илмий раҳбар*

*Ражабова Маърифат Бақоевна*

*БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.,*

*Ахророва Зуфнунабегим Ризвоновна*

*БухДУ талабаси*

*Scientific adviser*

*Rajabova Marifat Baqoevna*

*associate professor of uzbek literature, candidate of philological sciences, BSU,*

*Akhrorova Zufnunabegim Rizvonovna*

*student BSU*

**Аннотация.** Мақолада Фаридуудин Аттор ва Алишер Навоийнинг асарларидаги Увайс Қараний билан боғлиқ ҳикоятларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилади. Айтиши жоизки, Увайс Қараний билан боғлиқ маълумотлар “Насойимул -муҳаббат” асарига нисбатан “Тазкиратул-авлиё”да кўпроқ берилган. Ҳатто бу ҳақида Алишер Навоийнинг ўзи “Насойимул -муҳаббат”да Увайс Қараний билан боғлиқ муфассал маълумот лозим бўлса “Тазкиратул-авлиё”дан топиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам берилган.

**Таянч сўзлар:** талмех, “Тазкират ул-авлиё”, “Насойим ул-муҳаббат”, Увайс Караний, тазкира.

**Аннотация.** В статье рассмотрены схожесть и различие рассказов об шейхе Увайсе Караний в произведениях Фариддина Аттора и Алишера Навои, проведено сопоставление и типология этих авторов. Это также иллюстрируется тем фактом, что Фаридиддин был средством толкования многих его произведений в узбекской литературе. Тот факт, что святой “Тазкиратул авлиё” имеет много информации об Увайс в связи с “Насойимул муҳаббат” и что она была признана навахо.

**Ключевые слова:** талмех (упоминание имя исторической личности в Восточной литературе), «Тазкират ул-авлиё», «Насойим ул- муҳаббат», тазкира (жанр восточной литературы имеющий аналитический характер), Увайс Караний.

**Abstract.** The article discusses the similarities and differences between the stories of Uvais Karani in the works of Fariduddin Attar and Alisher Navoi. It should be noted that information about Uvais Karani is given more in ‘Tazkiratul Avliya’ than in ‘Nasayimul Muhabbat’. There are even comments that Alisher Navoi himself could find more information about Uvais Karani in ‘Tazkiratul Avliy’ then in ‘Nasayimul Muhabbat’.

**Key words:** talmeh (mentioning the name of a historical person in Eastern literature) “Tazkirat ul- avliyo”, “Nasoyimul-muhabat”, Uvays Karaniy, tazkira (an oriental literature genre of analytical character).

Шарқ адабиётида, қолаверса, ўзбек мумтоз адабиётига доир манбаларда шайх Увайс Қараний номи алоҳида эътироф этилади. Ҳаттоки лирик жанрдаги намуналарда унинг номи талмех сифатида тилга олинади. Бу эса Увайс Қаранийнинг тасаввуф оламидаги мавқеидан дарак беради. Бундан ташқари, ўзбек мумтоз шоираси Увайсий ўз тахаллусини Увайс Қаранийдан илҳомланиб танлаганлиги адабиётларда қайд этилган.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” ва Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асарлари ислом тарихида маълум ва махшур бўлган улуғ авлиёлар ва шайхлар ҳақида маълумот берувчи тазкиралардир. Ҳар иккала тазкирада ҳам Увайс Қаранийга оид маълумотлар келтирилган. Албатта, бу маълумотларда муаллифларнинг ўз услуби, баён

тарзларида ўзига хослик кўзга ташланади.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул–авлиё” асарида етмиш шайх орасидан учинчи бўлиб шайх ҳақидаги ҳикоятлар келтирилган. Алишер Навоий “Насойимул–муҳаббат” тазкирасида эса етти юз эллик шайх орасидан биринчи бўлиб Увайс Қараний номини зикр қилган. “Тазкират ул-авлиё” асари шайх ҳаёти ҳақида мукамалроқ маълумот берганлиги билан ажралиб туради. Навоийнинг ўзи ҳам “Тазкират ул-авлиё”нинг муфассаллигига ишора қилиб, шундай ёзади: “Шарҳи била билайн деган киши “Тазкират ул-авлиё”ни ўқисун” [3, 24].

Фаридиддин Аттор шайх ҳақидаги фикрларини унинг васфи билан бошлайди: “У тобеъинлар қибласи, арбаъинлар пешвоси, пинҳон офтоб, раҳмон ҳамнафаси, Яман юлдузидир”[2, 27]. А. Навоий пайғамбаримиз (с.а.в)нинг: “Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобеъинларнинг яхшисидир”, деган ҳадисларини келтиради. Ҳар иккала манбада Расулulloҳнинг шайх ҳақидаги яна бир ҳадисларининг зикр этилганлигини кузатиш мумкин: “Раҳмон нафасларидан бири Яман тарафдан келур”– деб юзларини Яман тарафга қаратган эканлар.

Ҳазрат Увайс Қаранийнинг Расулulloҳ(с.а.в)га бўлган чексиз муҳаббатлари жуда кўп манбаларда эътироф этилган. Расулulloҳ (с.а.в) нинг ул хазрат ҳақидаги ҳадисларидан яна бир ҳадисларида “Қиёмат кунида пайғамбаримиз(с.а.в) жаннатда бир кишини излай бошлайдилар. Шунда ё Муҳаммад, кимни ахтармоқдасан дея нидо келади. Пайғамбаримиз Увайсни қидираётганларини айтадилар. Уни у дунёда кўролмаганингдек, бу дунёда ҳам кўролмайсан деб жавоб келади[2, 28].

Маълумки, пайғамбарларга тегишли нарса-буюмлар, кийим-кечаклар кишилар наздида муҳим саналган. Уни кимгадир бериш ёки кимнингдир унга эришиши эътиборли ҳисобланган. Жумладан, Муҳаммад (с.а.в)нинг саҳобалари Сиздан сўнг мураққангизни кимга берайлик деб сўраганларида у киши Увайс Қаранийга дея жавоб берганлари манбаларда қайд этилган. Мазкур фикрлар юқоридаги икки тазкирада ҳам зикр қилинган. Ҳар икки асарда пайғамбаримиз (с.а.в)нинг вафотларидан сўнг, Форук ва Муртазо у кишининг васиятларига кўра Увайс Қаранийни топадилар ва ундан уммат учун дуо қилишини сўрашлари қайд этилган.

Бироқ А. Навоий фикрни ихчамлаштириш учун “Шарҳи била билайн деган киши “Тазкиратул–авлиё”ни ўқисун” дея изоҳ беради. Фаридиддин Аттор асарида бу воқеа қуйидагича ҳикоя қилинади: “Умар ва Али пайғамбаримиз вафотидан кейин Наджга келадилар ва қаранликлардан дарак топиб, улар билан учрашиб, Увайс ахволини сўрайдилар. Улар Умарга айтадилар: “Ҳа, Қаранда Увайс деган бир девона киши яшайди, ободликларда юрмайди, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди ва халқ еганини емайди, ғам ва шодлиги йўқ”. Умар деди: “Уни кўришим керак!”. Дедилар: “Саҳрода туяларимиз олдида”. Умар жойидан туриб унинг олдида борди ва ундан дуо сўради. Пайғамбар саломини етказди. Инчунун шу топда пайғамбаримиз насихатига биноан у кишининг вафотларидан кейин хирқалари (сўфиёна тўн)ни Увайсийга бердилар [2, 30].

Демак, А. Навоий “Нафаҳотул–унс”, “Тазкиратул–авлиё” сингари мўътабар манбалардан ўз ўқувчиларининг хабардорлигини инобатга олиб, баъзи маълумотларнинг тафсилотига кенг тўхталмайди. Бундай ҳолларда асарнинг ўзида ишоралар бериб кетади. Яъники “Тазкират ул-авлиё”га қаралсин вофий битибдур, “Нафаҳотул–унс”да шарҳи тамом битилибдур ва ҳоказо, дея маълум асарларга ҳавола бериб ўтади.

Увайс Қаранийнинг Расулulloҳ (с.а.в) га бўлган чексиз садоқатлари чексиз бўлган. Буни Уҳуд жангида бўлган воқеа ҳам тасдиқлайди. Бу жангда ногаҳон пайғамбаримиз(с.а.в) тишлари синади. Буни зоҳиран кўз билан кўрмай ботинан ҳис қилган Қараний муҳаббат учун ўттиз икки тишини синдирди. Ҳар бир тишини синдирар экан дер эдики, балки бу тиш бўлмас. Шундай қилиб, ҳамма тишини синдирди. Бу воқеадан ҳазрат шайхнинг Расулulloҳ (с.а.в)га бўлган муҳаббати, битмас-туганмас дўстлиги ва садоқати яққол кўзга ташланади. Ушбу воқеа билин боғлиқ тафсилот ҳар икки манбада ўз аксини топган.

Аммо Аттор мазкур ҳикояни давом эттириб, қуйидагиларни айтиб ўтган: “Увайс деди: -

Сизлар ул зотнинг дўстларисизми? Умар ва Али дўстлари эканини айтишди. Увайс деди: - Агар дўсти бўлсангизлар, у ҳазратнинг тишлари шаҳид бўлган кунда унга таклид қилиб, нега ўз тишларингизни синдирмадингизлар?! Дўстлик шарти мувофиқчилик эди. Мен таклид қилиш учун бу тишларми ёки у тишларми, деб ҳамма тишларимни синдирдим. Увайс оғзини очган эди, ҳамма унинг бирон тиши ҳам йўқлигини кўрди” [2, 32].

Қаранийнинг Увайс деб аталишига сабаб “Тазкират ул-авлиё”да ҳам, “Насойимул-муҳаббат” асарларида ҳам бирдек зикр қилинган. Чунончи, бир тоифа инсонлар бўлади, уларни Увайсий дейдилар. Улар ҳеч бир воситасиз пайғамбар(с.а.в) руҳидан тарбия топадилар. Зоҳирда бир-бирларини кўрмайдилар, аммо ботиндан файз-футуҳ топадилар.

“Тазкират ул-авлиё”да келтирилган ҳикоятларда шайхнинг пайғамбаримиз (с.а.в) га бўлган чексиз муҳаббатлари қайд этилиши билан бирга Расулulloҳ(с.а.в)нинг ҳам Увайс Қаранийга бўлган муҳаббатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Жумладан, “Қиёмат кунда Хожайи анбиё жаннатда ўз кўшқларидан чиқиб, шайхни излай бошлайдилар. Шунда нидо келгайки, ё Муҳаммад уни у дунёда кўрмаганингдек, бу дунёда ҳам кўра олмайсан. Шунда Расулulloҳ (с.а.в) ё Оллоҳ Увайс Қараний қаерда деб сўрайдилар. У сидқ маконида дея жавоб келади. Хожайи анбиё такрор у мени кўрадимиз дейдилар. Инсон Мени кўрмаганидек, сени ҳам кўролмайдиз деб жавоб келади[2, 28].

Демак, фоний дунёда Қараний Расулulloҳ(с.а.в)ни кўришга ҳаракат қилганидек, пайғамбаримиз боқий дунёда шайхни кўришга уринганликларини англаш мумкин. Расулulloҳ зотан шайхни зоҳир кўзи билан кўрмаган бўлсалар-да, уни фақат саҳобалардан икки киши кўриши мумкинлиги ва сабабларини айтиб ўтадилар: “Ҳеч бирингиз кўра билмассиз, фақат Форуқ ва Муртазо кўриши мумкин. Унинг нишонаси буки, чап қўлининг кафтида бир кумуш танга катталигида оқлик бор. У касаллик эмас. Уни кўрсангизлар менинг саломимни етказинглар. Ва айтингларки, у менинг умматларим ҳаққига дуо қилсин!” [2, 29]. Яна бошқа бир ҳадисда: “Пайғамбаримиз (с.а.в) айтганларки, бир инсон Рабиъа ва Музор кўйларининг юнглари сонича умматларимни шафоат қилгай. Ҳамма қизиқсиниб сўрайди. Ким у ё Расулulloҳ? Унинг оти Увайсдир, Қаран вилоятидан бўлади дея жавоб берадилар” [2, 28].

Увайс Қаранийнинг ислом оламидаги мавқеи ниҳоятда юқори бўлган. У киши билан учрашиш эса шараф ҳисобланган. Бу ҳақда “Тазкиратул-авлиё” ҳикоятларида қайд қилиб ўтилган. Жумладан, Рабеъ ибн Хайсам Увайсдан насиҳат олгани келади. Қараса шайх бомдод намозини ўқиётган бўлади. Намоздан сўнг, дуога машғул бўлади. Сўнг пешин намози ва яна дуо қилишни бошлайди. Рабеъ ибн Хайсам сабр қилиб, бир оғиз сўзламайди. Шундай қилиб уч кун ўтади. Тўртинчи куни Рабеъ ибн Хайсам шайхнинг кўзларини уйқу босаётганлигини кўради ва дарҳол шайх ё Оллоҳ емоқ-ичмоқ ва кўп ухламоқликдан паноҳ тилайман, дея муножот қилади. Рабеъ ибн Хайсам менга шу насиҳат етарли дея туриб кетади [2, 36]. Ҳикоятда Қараний авлиёларга хос сифатлар соҳиби эканлиги, сабр-тоқатли, ўзига нисбатан талабчан эканлиги яққол кўзга ташланади.

Маълумки, тариқат аҳллари риёзат масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Увайс Қараний ҳам руҳ соғломлиги учун нафс устидан мунтазам назоратни олиб борганлар. Нафсни енгиш ва унинг устидан ғолиб чиқиш учун тариқат аҳллари амал қилган “кам гапир, кам ё, кам ухла” ақидасини ҳаёт тарзларига айлантирганлар. Фикримизни қуйида келтирилган ҳикоят ҳам тасдиқлайди. Айтишларича, Шайх Увайс Қараний умр бўйи кечалари ухламаган эканлар. Бу кеча сажда кечаси, бу кеча қиём кечаси, бу кеча рукуъ кечаси, дея тонг оттирар эканлар. Ундан кеча шунчалик узун-ку, қандай тоқат қила оласан, деб сўраганларида у қуйидагича жавоб берган экан: “Бир марта Субҳона Раббия-л-аъло дегунча тонг отади. Уч марта айтиш суннат, шунга тез-тез уч марта айтиб улгураман. Кўкдаги фаришталарга ўхшагим келади” [2, 36]. Бу ҳикоятдан кўринадики, шайх дунё ташвишларини унутиб, у дунё тадориғи билан кун-у тун машғул бўлган экан.

“Тазкиратул-авлиё” да яна инсон доим савоб ишлар қилиши, ўзини камтар тутиши кераклиги таъкидланган. Буни қуйидаги ҳикоятдан ҳам кўришимиз мумкин. Бир куни шайхдан аҳволинг қандай дея сўраганларида, у қуйидагича жавоб берган экан: “Оҳ, Оҳ!

Йўлнинг узоклигидан, озуғим йўқлигидан хавотирдаман!” [2, 37]. Жавобдан шайхга хос камтаринлик кўришиб турибди. Ҳаёт тарзини риёзат устига қурган, доимо Оллоҳ йўлида юриб, мўмин-мусулмонларга насихат ва яхшилиқлар қилган шахснинг ўз-ўзидан қоникмаслиги ва қилинган эзгу ишларини (озук) оз деб билиши авлиёларга, улуғ шайхларга хос фазилятлардан ҳисобланади.

Бу ерда “йўл”, “озук” каби сўзлар рамзий маънони билдириб келган. Йўл ерда Оллоҳга етишиш учун машаққатлар, қийинчилик чекиш маъносини англатиб келган. “Озук” эса яхшилиқ, савоб ишлар қилишни назарда тутган. Бу йўлга етишиш учун инсон қанча риёзатлар чекиб, камтар бўлмоғи лозим. Зеро, камтарлик улуғликнинг бир белгисидир. Бу ҳақда “Тазкиратул-авлиё” да ўқиймиз: “Улуғлик истадим, уни тавозеъликдан топдим; раислик истадим, уни ҳалол лукмадан топдим; аёл истадим, уни садоқатдан топдим; фахр истадим, уни фақирликдан топдим; суннат истадим, уни тақводан топдим; шон-шараф истадим, уни қаноатдан топдим; роҳат истадим, уни парҳездан топдим” [2, 39]. Келтирилган иқтибосдан инсон камолотида тавоъзе, ҳалол лукма, садоқат, фақрлик, тақво, қаноат, парҳез каби амалларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигига эътибор қаратилган.

Таъкидлаш керакки, шайхларнинг камолоти уларнинг риёзати орқали юзаган чиққан. Риёзат – нафс ғуғуларидан воз кечиш, истакларини тарк этмоқдир. Албатта, бу оғир ва машаққатли юмуш. Увайс Қараний фаолиятларида ҳам бундай амаллар тўла-тўқис бажарилган. Фикримизни “Тазкират ул авлиё”дан келтирилган қуйидаги ҳикоят ҳам тасдиқлайди: “Шайх бир марта уч кеча-кундуз таом емайди. Тўртинчи куни йўлда ётган динорни кўрди, лекин бировнинг ҳаққи бўлса керак дея уни олмади. Очликдан кўринган ўтлар, бошоқларини узиб ер эди. Баногоҳ, йўлидан бир қўй чиқди, у иссиқ нон келтириб Увайснинг олдига қўйди. Шайх бу нонни бировдан олиб қочгандир деб емади. Шунда қўй тилга кириб деди: “Эй Увайс, бу ризқни ол, Аллоҳнинг қўлидан дир, мен ҳам сенингдек бандаман”. Шундан сўнг Увайс нонни олган эди, у йўқолиб қолди [2,38].

Бу ҳикоятдан Шайх нақадар ҳалол, сабр-тоқатли, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан ҳазар қиладиган комил инсон сифатида гавадланади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, Шайхнинг ҳалол лукмадан раислик топдим, яъни ҳалол лукма билан одамлар орасида ҳурмат топганини қуйидаги ҳикоятдан кўриш мумкин. Бир куни Увайснинг қўшнилари унга уй куриб беришларини айтдилар, Шайх рози бўлади. Ўша уйда бир йил яшаганидан сўнг, бир куни рўзасини очишга ҳеч нарса топа олмади. Кундузи хурмо дарахтининг барглари сотиб ифтор қилар эди.

Улуғ инсонларнинг ҳаёт тарзлари камтарона бўлган. Улар наздида фақрлик фахр ҳисобланган. Яна “Тазкиратул-авлиё”дан ўқиймиз: “Ҳар ким уч нарсани севса, дўзах ўти у кишига бўйнининг томиридан ҳам яқинроқ бўлмай: бири, таомни сайлаб егай; иккинчиси, яхши либос танлагай; учинчиси, бойлар билан ўтиргай!” [2,37]. Шунга ўхшаш фикр Ориф Ревгарийнинг “Орифнома” асарида ҳам учрайди: “Кимки, уч нарсани дўст тутгай, унинг жойи дўзахдир. Биринчиси, лазиз таомларни емоқни севмоқлик. Иккинчиси, нафис ва шоҳона кийимларни киймоққа ружу қўйиш; учинчиси, фақир камбағалларнинг суҳбатини писанд қилмай, бадавлатлар суҳбатини орзу қилган киши. Зеро, буларнинг ҳар бири ҳою хавас ва нафс муроди ила ҳосил бўлур” [4, 15].

Барча тасаввуф шайхлари каби Увайс Қараний ҳам тавҳид тушунчасига алоҳида аҳамият қаратганлар. Ҳазратнинг фикрига кўра, кишининг кўнглида Ҳақдан ўзганинг фикри бўлмаслиги ваҳдат демақдир. Шунингдек, у кишидан насихат тилаган саҳобаларга ҳам “Оллоҳдан ўзгани танимасанг яхшироқ бўларди”, деб айтар эканлар.

Қолаверса, Увайс Қараний шариат ва тариқатнинг ҳар бир амалини сидқидилдан бажариш, ҳаёлни бир жойга жамлаш, ибодат чоғи Оллоҳдан ўзганинг ёди инсонни чалғитмаслиги лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган. Фикримиз исботи сифатида айни масала ёритилган ҳикоятни келтираемиз: “Увайсдан намоздаги хушӯ (ялиниб-ёлвориш, ўзни паст тутиш) нима? деб сўраганларида намозда турган кишининг сонига ўқ урсалар, буни сезмаса, мана шу хушӯдир деган эканлар” [2, 36]. Мана шу фикрларнинг ўзиёқ шайхнинг инсон ҳар бир масалага алоҳида эътиборли бўлиши лозим деган хулосасини кўрсатади.

“Тазкиратул–авлиё”да Увай Қараний билан боғлиқ қатор ҳикоятларда дунёнинг ўткинчилигини англаш, нафси тийиш, ўлим ҳақлигига ишониш, ўз меҳнати билан кун кечириш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топган: “Эй Ҳаром ибн Ҳайён, ота ва онанг ўлдилар. Одам ва Ҳаво ва Нух ва Иброҳим ва Довуд ва Сулаймон ва Муҳаммад ўлдилар. АбуБакр ва Умар ўлдилар... Сен ва мен ҳам ўлганлар жумласиданмиз. Саловат айтиб, дуо қилиб, деди: - Васиятим шуки, Аллоҳ китобини ҳамма нарсадан илгари тутгайсан! Бирор соат ўлимдан ғафлатда қолмагайсан! Ўз қавмингни яхши кўрсанг, панду насихат қилиб, уларга Аллоҳ сўзини аямагин!”[2, 35].

Айтиш жоизки, ҳазрати шайх Увайс Қаранийнинг ҳаётлари ҳамма замонлар учун ибрат мактаби бўлиб келган. Ҳаёт тарзи намуна, амали ибрат, сўзлари насихат бўлган комил инсонларнинг босиб ўтган йўллари замон ва макон билмайди, келгуси авлодларни тарбиялашда кўмакдош бўлиб хизмат қилаверади.

Хуллас, Аттормнинг “Тазкиратул–авлиё” ва Навоийнинг “Насойимул–муҳаббат” асарларида келтирилган шайх Увайс Қараний таърифи, ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятлар бир-бирини тўлдиради. Китобхонга эса Увайс Қараний ҳақида мукамал маълумотлар беради.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. *Amonova Z. Hurufiylik va badiiy ijod. - Toshkent, 2017 y.*
2. *Attor F. Tazkiratul-avliyo. - Toshkent, 2013 y.*
3. *Navoiy A. Nasoyimul-muhabbat. Mukammal asarlar to'plami №17. - Toshkent, 2001 y.*
4. *Revgariy O. Orifnoma. - Toshkent, 1994y.*